



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 212 (12.023)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги кўп йиллик шавкатли меҳнати, шунингдек, хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун куйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Сабилов Халик Садиқович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби кафедра бошлигининг ўринбосари

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Атаходжаев Адил Иргашевич — Тошкент шаҳар Сергели тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғи

Хусанов Фазлиддин Аббозович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бошқарма бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Камалов Ойбек Ахматович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси кафедра бошлиғи

Ким Илья Валерьевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги назорат-тафтиш инспекцияси бошлигининг ўринбосари

Рахимов Гулам Гафурович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

«Жасорат» медаллари билан

Артиков Мустафо Бобоқуллович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Жумаев Дилшод Алиёрович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

Мадиримов Русланбек Қадамович — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ёрдамчиси

Мухторов Ортик Шухратович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари

Оттабеков Равшанжон Кодирович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғи

Рашидов Ойбек Икромович (мархум) — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ҳайдовчиси

Саматов Алимжан Раимджанович — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлигининг ўринбосари

Таукелов Медетбай Таукелович — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими қўнғирот милиция бўлини маси бошлиғи

Яминов Шавкат Тухтамурадович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

«Содиқ хизматлари учун» медаллари билан

Абдхамидов Акмал Абдурауфович — Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани ички ишлар бўлими қўнғирот милиция бўлини маси бошлиғи

Ашуралиев Носиржон Назирович — Фарғона вилояти Фарғона тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

Кадилов Улғубек Махмуджонович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Курбанов Зарифжон Давронович — Навоий шаҳар ички ишлар бўлими хузуридаги қўриқлаш бўлими милиционер

Матниязов Шинбай Жолдасбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Раджабов Бунёд Норқуллович — Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиси

Сативалдиев Абдуваҳоб Абдиразақович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлими бошлиғи

Сафаров Бехзод Нормуродович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси тезкор вакили

Серкабоев Бахтиёр Олимбоевич — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлигининг ўринбосари

Тажибаев Мансур Газибаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

Турматов Жамолiddин Рахматуллаевич — Жиззах вилояти Зафаробод тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Хасанов Ориф Шарипович — Транспортдаги Ички ишлар бошқармаси Термиз бекатидagi тармоқ ички ишлар бўлими кичик инспектор-кинологи

Худойбердиев Санжар Мухаммадович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлими бошлиғи

«Шухрат» медаллари билан

Когай Наталья Сергеевна — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта инспектори

Мингбоев Дониёр Сунатович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционер

Рустамов Алишер Каримович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларни бажарувчи сафарбар отряди командир

Саидов Шахри Хужақуллович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили

Тошбаев Ғайрат Панжиевич — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Уразбаев Айбек Зарипбаевич — Хоразм вилояти Гурлан тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Усмонова Хилола Уматалиевна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портлаш техникаси экспертиза маркази бўлими бошлиғи

Худякова Ольга Степановна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизмати канцелярияси бошлиғи

Эминов Асрор Жураевич — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционер

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2011 йил 21 октябрь.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни

ТИНЧЛИК БОР ЖОЙДАН БАРАКА АРИМАЙДИ

Юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитининг мустаҳкам қарор топгани тинчлик ва осойишталикнинг, фаровон ҳаётимиз ва барқарор тараққиётимизнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан маҳалла институтининг жамиятдаги мавқеи мустаҳкамлангани, давлат ва жамоат ташкилотлари, айниқса, ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорлиги кучайтирилгани муҳим аҳамият касб этаётган.

Маҳаллалар, қишлоқ ва овуллардаги милиция таъин пунктлари ана шундай хайрли мақсадларга хизмат қилмоқда. Профилактика инспекторларининг маҳаллалар фаоллари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораётгани жиноятларнинг олдини олишда, барқарорлик муҳитини таъминлашда муҳим омил бўлаётган.

Кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга йўналтирилган тадбирларнинг изчил ўтказилаётгани ўз самараларини бермоқда. — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, полковник Улғуберди Нарзуллаев. — Бунинг натижасида жорий йилнинг ўтган даврида юртимиздаги уч мингдан ортиқ маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Мунтазам олиб борилаётган тарғибот-тушунтириш ишлари аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятининг тобора юксалишига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мавжуд 3,5 мингдан зиёд милиция таъин пунктнинг 75 фоиздан зиёди атрофда факультатив тўғарақлар, 72 фоизининг хузурида кичик бизнес шохобчалари, қарийб 85 фоизининг қошида спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт майдончалари барпо этилган. Бундай имкониятлар маҳалла аҳолиси, айниқса, воёга етмаган

лар, ёшлар ва хотин-қизларни фойдаланиш мақсадида, ҳунар ўрганишга жалб этиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишга хизмат қилмоқда.

Пойтахтнинг Яқсарой туманидаги «Конституция» маҳалласида ҳам ҳар бир одам, айниқса, ёшлар ўз қизиқиши, интилишига мос иш топиши, ҳунар ўрганиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шароит мавжуд. Унга яқин миллат вакиллари билан бирга, спорт билан шуғулланиши учун барча шароит мавжуд. Унга яқин миллат вакиллари билан бирга, спорт билан шуғулланиши учун барча шароит мавжуд. Унга яқин миллат вакиллари билан бирга, спорт билан шуғулланиши учун барча шароит мавжуд.

Мазкур маҳалла милиция таъин пунктлари моддий-техник базаси ҳам замон талабларига мос таъминланган. Бу эса маҳалла профилактика инспекторларининг талаб даражасида хизмат қилиши, юрт осойишталигини таъминлаш йўлидаги фаолияти самарадорлигини янада оширмоқда.

Ҳар бир оилага алоҳида эътибор қаратиш, одамларнинг кундалик таъшишларидан хабардор бўлиш, қалбига йўл топиш, уларга зарур ҳолларда ёрдам кўрсатиш жамиятимизда тинчлик ва фаровонлик муҳитини қарор топтиришга хизмат қилади, — дейди «Конституция» маҳалласи оқсоқоли Набижон Пулатов. — Профилактика инспекторларимиз билан шу мақсадда маҳалламиздаги хонадонларда тез-тез бўлиб, суҳбатлар уюштирамиз. Уларнинг муаммоларига бамаслаҳат ечим излайми. Бунинг натижасида маҳалла аҳоли барча тадбирларда фаол ва ҳамжиҳатликда иштирок этмоқда, хонадонлардаги осудалик, ободлик ва тўқинлик янада зиёда бўлмоқда.

Н.АБДУРАИМОВА,
Ўза муҳбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ўз зиммаларидаги шарҳнома мажбуриятларини шараф билан адо этиб, юртимиз хирмонига 3 миллион 500 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта ҳосили етказиб берган Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига сазимий табрик йўллади.

• Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан жорий йилда эълон қилинган республика грант танловлари ғолибларига сертификатлар топширилди.

• Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

• Нукус аэропортининг халқаро талабларга тўла жавоб берадиган янги учиш-қўниш йўлига фойдаланишга топширилди. Ушбу объектнинг реконструкция қилиш ишлари давомида учиш-қўниш йўлига ўз ичига олган 3000 метрлик майдон асфальт-бетон билан қопланди. «Аэроўйл-лойиха» ташкилоти лойиҳаси асосида амалга оширилган ва 17 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган реконструкция ишлари Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик компанияси — «Ўзавтотўл»нинг шимол-ғарбий филиали томонидан амалга оширилди.

• Бўстонлик туманидаги «Sarskaya sladost» масъулияти чекланган жамиятида кенг кўламли модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, қорхонага Италия ва Германиядан энг илғор технологиялар келтириб ўрнатилган, бу ерда тайёрланаётган маҳсулот сифати янада яхшиланди ва ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, ишчилар сони 80 нафарга етди.

• Жарқўрғон туманидаги «Хумо» кичик қорхонасида соатиға 3 тонна сутни қайта ишлашга мўлжалланган технология линия ишга туширилди. Натижада лойиҳа шарофати билан ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробар ошириш имконияти яратилди. Айни пайтда қорхона жамоаси қаймоқ, сарийё, кефир сингари олти хил сут маҳсулотларини тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

ЖАҲОНДА

• Кеча Аргентинада бўлиб ўтган президент сайловларида амалдаги давлат раҳбари Кристина Фернандес де Киришнер 50 фоиздан ортиқ овоз тўплагани ҳолда кейинги мuddатга ҳам мамлакат президентлигига сайланди. Шунингдек, Аргентинада парламент сайловлари ҳам ўтказилди.

• Кеча Туркия жануби-шарқидagi Ван музофотида 7,2 балли кучли зилзила содир бўлди. Сўнгги маълумотларга кўра ер қимирлаши натижасида 200 дан ортиқ киши ҳалок бўлди, мингдан ортиқ аҳоли турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Бу кучли зилзила Арманистон, Грузия ва Эронда ҳам қайд этилди.

• Кеча Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида ҳукуматга қарши ўтказилган намоийишларда 20 мингга яқин киши қатнашди. Намойиш қатнашчилари мамлакат бош вазири Виктор Орбаннинг демократияга қарши, адолатсизлик режими юзасидан норозилик билдирдилар.

• Болгарияда бўлиб ўтган президент сайловларида ҳеч бир номзод ғалаба учун зарур бўлган 51 фоиз овоз ололмади. Сайлов натижаларига кўра бошқарувчи партиядан илгари сурилган Россен Плевнелиев ва социалистлардан номзод Ивайло Кафинлар етакчилик қилмоқдалар. Айнан шу икки номзод 30 октябрда ўтказилган сайловларнинг иккинчи босқичида президентлик лавозимига даъвогарлик қиладилар.

• Кеча Афғонистонда мамлакат ички ишлар вазири Бисмулла Хонга нисбатан суиқасд уюштирилди. Террорчи-камикадзе вазири автомобиллари кортежининг тўхтаганидан фойдаланиб, портлаш уюштирмоқчи бўлди. Бироқ Б. Хоннинг қўриқчилари жиноятчини отиб ташлашди. Вазирининг ўзи эса бу пайтда бошқа жойда эди.

• Кеча Таиландни ларзага келтираётган сув тошқинлари мамлакат пойтахти Бангкок шаҳрига ҳам етиб келди. Шаҳарнинг шимол ва жанубидаги етти районни ўртача 30 сантиметр қалинликда сув босди. Шу тариха сув тошқинлари қурбонлари сони 356 нафарга етди. Экспертларнинг башоратларига кўра, Бангкокдаги сув тошқинлари бир неча ҳафтадан бир ярим ойга қадар давом этади.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Тошкент Давлат техника университети қошидаги 5-академик лицейда «Фахру гуруримсан — Ватан» мавзуда маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар Адлия бошқармаси ташаббуси билан Оила маросимлари марказида «Оила — муқаддас Ватан» мавзуда ўқув машғулоты ўтказилди.

✓ **«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»**да 25-29 октябрь кунлари халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацио биржа бўлиб ўтади.

TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI

AMOLOT

Саҳифамиз меҳмони «Камолот» ёшлар ижтимоли ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев билан суҳбатимиз 5,5 миллиондан зиёд ёшларни ўз атрофига жамлаган мазкур ташкилотнинг бугунги кундаги ҳаракатлари ва янги лойиҳаларни хусусида кечди.

— Юртбошимиз бундан ўн йил олдин «Камолот» ёшларимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлиши керак, дея катта ишонч билдирган эди. Утган йиллар давомида ташкилот томонидан бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

— «Камолот» ЁИҲга билдирилган ишончнинг биргина сўз билан таърифлаб, ифода-лаб бериб бўлмайди. Ҳаракат томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқилган қонун ва фермойишлар, дастур ва низоом асосида мингдан ортиқ лойиҳалар амалга оширилиб, миллионлаб ёшлар ихтиёрий равишда унинг атрофига бирлашмоқда. «Камолот» ЁИҲ бу ишончнинг оқлашга масъулият билан ёндашиб, олдига қўйган вазифа ва мақсад, талабларга қай даражада жавоб бераётганини бу каби кўплаб мисолларни келтириш билан жавоб бериш мумкин. Буларнинг бари, аввало, мустақиллигимиз шарофати, шунингдек, ўз тақдирини ўз қўлига олиб, янги ҳаёт, янги жамият қуришга, жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида қанда ташлаб, фидойи меҳнати билан кундан-кун имданд ҳам бўлмай, тараққий топган мамлакатлар қаторидан ўрин олиб, тинч, фаровон ва осуда ҳаёт кечираётганлиги ҳукуматимиз томонидан бизларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда амалга оширилаётган одилона сиёсатидандир деб биламан.

— Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоли ҳаракатининг Қорақалпоғистон ва вилоят, шаҳар, туман бўлим Кенгашларида ҳар икки ярим йилда ўтказиладиган конференциялари бўлиб ўтди. Бу борадаги фикрларингиз.

— Дарҳақиқат, «Камолот» ЁИҲнинг Низомига мувофиқ барча режалаштирилган V конференциялар ўтказиб олинди. Эндиликда, навбатдаги курултойга астойдил тайёргарлик қўрилиб, янгидан-янги режалар ишлаб чиқилапти. Хусусан, курултой ҳамда ташкилотнинг Дастур ва Низомига қўшимча-ўзгартиришлар киритишда ёшларнинг фикр-мулоҳазалари билан янада яқиндан танишишни таъминлаш мақсадида улар учун алоҳида сайт ва медиа режа ишлаб чиқилди. Ҳаракатнинг Марказий Кенгаши вакиллари бўлиб ўтган конференцияларнинг барчасида иштирок этди. Бир нарсани ишонч билан айтишим мумкин, ушбу тадбирларда иштирокчиларнинг, яъни йигит-

МАҚСАД МУШТАРАКЛИГИ — МУВАФФАҚИЯТГА ЕТАКЛАЙДИ

қизларимизнинг ҳаракатлари, далилларга таянган ҳолда шахсий фикрларини дадил, ошқора ва аниқ айтиб бера олишларини кўриб, мустақиллик фарзандларининг фикр-мулоҳазалари, сиёсий маданияти янада ошганлигини кўрдик. Улар томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар, таклифлар, керак бўлса талаблар бизларни қувонтирди.

— Ҳаракатнинг навбатдаги курултойида қандай режалар белгилаб олинди?

— Бўлиб ўтган барча тадбирлар негизда асосан бошланғич ташкилот вакиллари туради. Шу кунга қадар йигит-қизларга илҳом бағишлаб ўтказилган кўплаб лойиҳалар айнан ёшлар томонидан берилган гоёлар асосида ташкилот томонидан катта лойиҳага айлантирилиб, оммага етказилди. Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган «Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш концепцияси»нинг мазмун-моҳиятини ўрганиш борасида ёшлар ташаббуси билан барча ҳуқуқий йўналишларда «Концепция тараққий кафолати» каби лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди. Бу йўналишда ЎзМУ ҳамда Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамкорлигида концепциянинг мазмун-моҳияти тарғиб этилди. Иккинчи илмий-амалий анжуман ўтказилди ва ушбу ташаббус самарасида ёш олимларнинг илмий ишлари жамланган иккита тўплам чоп этилди. Бундан ташқари, «Концепцияни ўрганиш ойлиги» ташкил этилди. Олтинчи олийгоҳлар ҳамкорлигида 150 нафардан ортиқ иқтидорли ёшлар таркибидан иборат тарғибот гуруҳи тузилди. «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида бўлиб ўтган фестивалда ҳам ушбу тарғибот гуруҳи фаол иштирок этди. Уларга 200 мингдан зиёд йигит-қизларимиз қамраб олинди. Бу дегани шунча ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги оширилди. Ушбу соҳа мутахассислари депутатларни жалб этган ҳолда ёшлар билан учрашувлар ўтказилди. Буларнинг барида «Камолот»га аъзо бўлган Тошкент давлат юридик институти ва Тошкент иқтисодий университетини талабалари фаол қатнашди. Шунингдек, «ЕШ тадбиркор-ке-лажакка пойдевор», «Менинг бизнес гоям», «Камолот—таълим грантлари», «Еш олимлар учун», «Камолот стипендияси», «Оғузи ҳаёт», «Оқумли касалиқларга қарши бирга курашамиз», «Сиз тарихни биласизми?» ва

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ ёшларнинг порлоқ келажак сари интилиб яшашни юрт тақдирини билан боғлиниб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар давлат сиёсати даражасида амалга ошириб келинаётганининг гувоҳимиз. Ушбу йўналишда, албатта, ўғил-қизларимизни фаолликка ундаб, уларнинг эзгу ниятлари ва мақсадлари рўёбга чиқишига ҳисса қўшиб келаётган «Камолот» ёшлар ижтимоли ҳаракатининг ўрни алоҳидадир.

бошқа минглаб турли соҳаларни ўзида қамраб олган лойиҳалар шулар жумласидандир. Навбатдаги беш йиллик учун тасдиқлангани керак бўлган режаларга асосан бугунги кундаги глобал муаммолар, хусусан, экология масаласига доир лойиҳаларни кенгайтириш, янгидан-янги самарали тадбирларни ўтказиш қўзда тутилган.

— Иқтидорли ёшлар билан амалга оширилаётган лойиҳалар эътиборга сазовор. Айтинчи, вояга етмаган, тарбияси оғир ёшларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?



— Бу борада, «Камолот» ЁИҲнинг жойлардаги туман, шаҳар бўлимлари Кенгашлари томонидан вояга етмаган, шу жумладан, ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи ўсимирлар ўртасида мўйяйн тарбиявий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Натигада ИИБ профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар сонининг камайишига эришилмапти. Жорий йилда ҳам «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси» турисиданги Ўзбекистон Республикасининг қонунда белгиланган вазифаларни юқори даражада амалга ошириш мақсадида «Камолот» ЁИҲ томонидан ички ишлар бўлими профилактик ҳисобидан вояга етмаганлар учун ҳарбий-спорт соғломлаштириш

оромгоҳлари ташкил этилди. Утган тўрт йил мобайнида 3900 дан ортиқ ИИБ назоратида турувчи вояга етмаганлар ҳарбий-спорт соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этилиб, уларнинг мингдан зиёд хулқи яхши томонга ўзгарганларга Ҳаракат тавсияномалари топширилди.

— Баҳодир Мухторович, мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон ёшлари учун барча имкониятлар яратилган. Айтинчи, эндиликда ҳорижда истикомат қилувчи ёшлар билан Ўзбекистон ёшлари ўртасида муштараклик ва фарқлиқлик жиҳатлари нимагадара намоён бўлади?

— Муштараклик жиҳати салоҳиятда акс этади. Иқтидорли, истеъдодли ёшларимиз халқро майдонларда, фан олимпиадалари, мусобақа, танловларда ҳеч қимдан кам эмасликларини амалда кўрсатмоқдалар. Керак бўлса бизларнинг ёшларда фикрлаш,

хар қандай мураккаб вазиятларда ҳам тезкорлик ва аниқлик билан батафсил жавоб беришда зуқуллик сифатлари устувор. Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг нафақат жисмоний, балки, энг аввало ёшларнинг маънавийига ҳам қўриқиб қаратилаётган. Қадимий, ноёб, замонавий китобларнинг электрон базаси яратилиб, дунёда энг машҳур кутубхоналар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда. Мақсад жисмонан соғлом, маънан етук авлодни вояга етказишга муносиб ҳисса қўлиши. Юртбошимиз айтганларидек: «Дарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт».

Садоқат АСЛАНОВА
суҳбатлашди

Маънавият

НОЁБ НАШР

Ўзбек тилининг тарихий лексикаси илм-фаннинг турли йўналишларига доир сўз ва атамаларга бой. Шу ўринда ҳарбий фани талқини билан боғлиқ лугатларнинг юзага келиши ҳам қувонарли ҳол эканлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Туркий ва ўзбек тилшунослигига илк марта тузилган «Тарихий ҳарбий атамалар лугати» мутахассислар томонидан мамнуният билан қабул қилинган эди. Мазкур лугат замонавий тилшунослик талабларига амал қилинган ҳолда тақдим этилган ушбу нашрда тарихий, ҳарбий атамаларнинг бош маъноси, унинг матний маънолари изоҳлаб берилган. У ёки бу атаманинг қайси тилга мансублиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Мазкур қимматли нашр Ўзбекистон Давлат Миллий кутубхонаси нодир китоблар бўлимида эъозлаб сақланмоқда. Мутахассислар билан бир қаторда мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари ундан зарур адабиёт сифатида фойдаланмоқдалар.

Таълим

ДАВР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Бу олий таълим даргоҳи 1991 йилда Президент Фармони билан Тошкент халқ ҳўжалиги институтининг молия-кредит ва ҳисоб-иқтисод факультетлари негизига юзага келди. Тошкент Молия институти деб аталаётган олий ўқув юрти учун шу ўтган 20 йил ҳар томонлама ривожланиш даври бўлди. Ҳозирги кунда институт молия-кредит ва ҳисоб-иқтисод йўналишида мамлакатимизда таянч олий таълим маркази янглиғ фаолият юритмоқда.

Ушбу олий ўқув юрти Ватанимиз учун бозор иқтисодиёти шароитига мос молия, банк, қимматли қоғозлар каби таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаб келмоқда. Касбий педагогик тайёргарлик йўналишида ҳам кўпгина мутахассислар етиштирилди. Мутахассислик кафедралари ўзларининг тегишли дастурларини ишлаб чиқиб, базавий ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилди. Чунончи, «Қимматли қоғозлар ва биржа иши» кафедраси интеграция масаласининг ечимини амалда жорий қилди. Корхона ва ташкилотлар ҳузурида тузилган филиаллар ёрдамида ўқув-услубий, илмий-амалий ишлар ҳамда ташкилотларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари интеграцияси таъминланди.

Замон талабларига жавоб берувчи ва Ўзбекистон иқтисодиёти ривожига зарур бўлган янги фанлар киритилди. Бу фанлар доирасидаги маъруза, амалий ишлар, битирув-малакавий ишлари, диссертация мавзулари кафедра филиаллари жойлашган ташкилот базалари ишлари билан узвий боғланган.

Институтида замонавий компьютерлар сифонлари, «Интернет» тармоғидан фойдаланиш ва масофадан туриб ўқитиш ишлари самарали бўлмоқда. Кутубхоналар захираси эса ўзимизда чоп этилаётган дарслик ва қўлланмалардан ташқари чет эл адабиётлари билан зуқулсиқ бойитилмоқда. Олий ўқув юртида бюджетдан ташқари маблағ ишлаб топшиш мақсадида халқаро бизнес-мактаби, «Молиячи» минтақавий бизнес мактаби, қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш маркази, солиқ ташкилотлари учун кадрлар тайёрлаш маркази фаолият кўрсатмоқда.

Олий ўқув юртини бетириб чиқаётган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида тегишли вазирликлар, корпорациялар, банклар билан алоқа кенг йўлга қўйилган. Ўқув жараёнига етук мутахассисларни жалб қилишнинг янги тартиби ишлаб чиқилди. Бунда ишлаб чиқаришдан жалб қилинган мутахассисларга иложи борича имтиёзли рағбатлантирувчи шароитлар яратиш олий ўқув юрти жамосининг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланди.

Аҳмад АББОСОВ

Бундан роппа-роса 20 йил муқаддам Тошкент Давлат шарқшунослик институти ўз фаолиятини бошлаган эди. Ушбу давр ичида халқ ҳўжалигининг турли соҳалари бўйича етук мутахассислар, илмий текшириш институтлари учун кадрлар, шарқ тиллари ўқитиладиган мактаб ва лицейлар учун ўқитувчилар етиштириб чиқди.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Олий ўқув юрти ўзидан етиштириб чиққан фан арбоблари, давлат ва жамият арбоблари, дипломатик ходимлари билан ҳақли равишда фахрланади. Яна шунинг мамнуният билан таъкидлаш керакки, институтни битирган шарқшунослар Япония, Туркия, Бельгия, Хиндистон, Миср каби жаҳоннинг энг катта ва нуфузли давлатларидаги Ўзбекистон-Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси вазифаларида хизмат қилиб келмоқда. Ўқув жараёни бутунлай ўзгарди. Талабаларга таълим бериш ва уларнинг билимини текшириш рейтинг тизими асосида олиб борилмоқда.

Таълим ва тарбия ишларини такомиллаштириш мақсадида барча кафедралар компьютерлаштирилди. Махсус компьютер хонасида талабалар ўқиётган фанлар бўйича турли машғулотлар ўтказиб, билимларини мустақамлаб борадилар. Олий ўқув юрти ўзининг илмий-оммабол нашр-ларига ҳам эга. Булар ўзбек ва рус тилларида ҳар чоракда нашр қилинадиган «Шарқ машъали» ҳамда «Шарқшунослик» газеталаридир. «Араб тили дарслиги», «Фалсафа асослари» дарслиги ҳам яратилди. «Урду — ўзбекча муштарий сўзи лугати» каби адабиётлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Олий ўқув юртининг Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфидаги шарқшунослик, тарих, фалсафа, тил ва адабиёт институтлари билан илмий ҳамкорлик ҳам яхши йўлга қўйилган.

Институт ўзининг 20 йиллик санаси муносабати билан илмий тўпламни босмага тайёрлади.

Мадина АҲМЕДОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг IV босқич талабаси

Тадбирлар

ДОИМО ЭЪЗОЗДАСИЗ

Устозларни эъзозлаш ва қадрлаш азал-азалдан ота-боболаримиздан қолган хайрли одат. Хусусан бу борада «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан ҳам кўплаб учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, барчамиз қалбимизда чукр из қолдирган, қадрдон мактабимиз ва унинг бағрида кечган беғубор йилларимизни, бизга билим берган устоз ва мураббийларимизни ўзгача илқик билан эслаймиз. Қолаверса, баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу орав-интилишларимизни рўёбга чиқаришда авваламбор юқори малакали педагоглар, устоз-мураббийларнинг ўрни бекиёс.

Истиклолга эришилган кўнларданок юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам эски қилиплардан воз кечиб, тўдан янгича ёндашувларга таянган ҳолда ислоҳотлар ўтказилиб, аввало, миллий анъана ва қарашларга, жамондаги илгор андозаларга асосланган тизим барпо этилиб, ҳаётимизга жорий этилганлиги кунда хорик мутахассислари томонидан ҳам чукр эътироф этилаётган.

Ватанга садоқат, бағрикенглик, ҳамдўстлик каби туйғулар кон-қонимизга сингган жаннатмакон, қўлмиллатли халқимизда Юртбошимиз айтганларидек, 1 миллиондан зиёд таълим соҳаси ходимлари ўзининг кўз нури ва қалб қўри, билим ва истеъдодини бағишлаб етти миллиондан ортиқ ўғил-қизларга таълим ва тарбия бераётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳада бизнинг қандай катта ҳақ ва салоҳиятга эга эканлигимиз аён бўлади. Уларни ардоқлаш ва рағбатлантириб бориш эса давлат сиёсати даражасига кўтарилган масаладир.

Ўтган ҳафта иш юзасидан шахримиздаги компьютер хоналаридан бирга кирдим. Тумонат одам. Ғала-ғовур, ур-сур...

УЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИМИ?

Дастлаб эътиборимни тортган нараса девордаги ҳайриқоҳ оҳанги билан ёзилган реклама ролиги эди.

Ундаги сўзларга эътибор беринг-а! «Асрлардан ошиб, даврлардан ошиб бутун жаҳон қаҳрамонига айланайлик», «Уруш майдонларини титратаётган қаҳрамонларнинг достони». Унга тикилиб, ёшларимиз онгини қалгитган бу «безори уйинлар» нимага хизмат қилапти? Хали оқ-қорани танимаган бу қора кўзлар учун яхши гоёларга йўрилган уйинларни тарғиб қилиш мумкин эмасми?, деган ўй ўтди хаёлимдан. Саволлар адоқсиз, аммо натижа...

Ичкаридаги компьютер уйинларини кузатган, тамоман лол қолдим. Ўн тўртта компьютер қарши-сида ҳам беш, олти ёшлар атрофидаги болалар мароқ билан экранга тикилиб уйин уйнашапти. Улар асосан кўпоруқчилик ҳаракати авж олган, биз хали номини ҳам

билмайдиган катта-кичик қурол-аслаҳалар орқали «қизийдиган» уйинлар эди. Улардан бирини секин кузатдим. Бола компьютердаги қаҳрамонининг қўлига қурол тутқади. У бинолар бўйлаб юриб, йўлида учраган одамга чунонам зарба берадими, ҳар тарафга қон сачраб кетар ва бола назари билан қараганда, «гузал манзара» содир бўлаётган эди. Бирма-бир душманларни йўқ қилган бола кейинги босқичга йўланма олди. У ерда болани бундан-да, даҳшатли мангизаралар кутиб турарди. Шу-шу, баъзан жажл отига минган ёки қалтак еган боланинг тилидан чиққан ҳайратомуз сўзлардан рости ёқа ушладим. Сўнг «даҳшатхона»нинг эгасига секин юзланиб, «бу ерда ҳар кун шундай ёшдаги болалар келишадими?» дедим. Йигит «Салгина жим бўларинг», — деди болаларга овозини баландлаб, «деярли ҳар кун шулар, айримлари

нинг ота-оналари уришиб олиб кетишади, бир кун бу ерга бирининг ўқитувчиси келса денг», — дея асаби таранглашган кўйи жавоб берди.

Ишқибозларнинг ишқибози, етти ёшли — Шаҳзоднинг бу борадаги фикри:

— Ман фақат counter — strikени уйнайман. Базиди ўртоқларим билан футбол ҳам уйнаб тураман. Мактабга ҳар кун бораман. Қайтишда бу ерга ўртоқларим Сарвар, Акмал билан қираман. Ўзим ҳам кейин шунанга ўйнашга очмоқчиман. Унга кўп болалар келишарди, пулим ҳам қўларди.

Азиз замондаш, сизнингча, ёшларимизни ўз чангалига ўраётган, кўпоруқчилик ҳаракатлари авж олган уйинларни иложи борича йўқотиш, керак бўлса, компьютер дастурларидан олиб ташлашнинг вақти келмадимикан?! Ахир, ақлни чарқлайдиган, билимини, тафаккурини бойитадиган бошқотирма, тест шаклидаги уйинларни кўлайтиришнинг нимаси ёмон!

Маъюра ЕҲУБОВА,
Ўзбекистон Давлат ҳарбий тиллари университети талабаси

РЕКЛАМА ВА ЭЪОНЛАР

ОАЖ «Биринчи Автокорхона» маъмурияти «Д» тоифали 3 йил меҳнат стажига эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилади. Ўртача ойлик маоши 500 000 — 600 000 сўмни ташкил этади.

Мурожаат учун телефонлар:
290-28-91, 290-90-21.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 20-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Джамилова Мунира Акмаловна номига берилган А№422087 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛНАДИ

Тузатиш: «Тошкент оқшом» газетасининг 2011 йил 20 октябрдаги 210-сонидан чоп этилган эълондаги «Respublika Mulk birjasi» ЁАЖ номи, «Respublika Mulk markazi» ЁАЖ деб ўқилсин. Тел: 228-79-52.

Санъат

МУСИҚАГА ОШНО ҚАЛБ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида концертлар мавсуми бошланди.

Мавсумни дирижёр Элдор Азимов бошчилигидаги «Туркистон» камер оркестри очиб берди. Концертда яккагон ижрочилар Захро Мухамеджанова ва Динара Собитовалар ўз чиқишлари билан қатнашдилар.

Муסיқа санъатини мукамал ўрганиш инсондан жуда катта машаққат ва меҳнат талаб қилади. Айниқса, истеъдод бўлмасан муסיқа билан ҳар қанча шуғулланилмасин, ҳаракатларнинг зое кетишини қундалик ҳаётида жуда кўп учратишимиз мумкин.

Куйида муסיқашунослар оиласининг таникли вакилиси, ноёб истеъдод соҳибаларидан бири, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг доценти, бастикарлик, муסיқашунослик ва фортепиано факультети декани Захро Мухамеджанованинг ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

— Оиламизни муסיқачилар оиласи десак ҳам бўлади, — дея сўз бошлади суҳбатдошимиз. — Дадам Сотволди Каримов В. Успенский номидagi академик лицейда халқ чолғулари соҳаси бўйича ўқувчиларга сабоқ берадилар. Акам ва оналарим ҳам муסיқа соҳасида ўқишган ва ҳозирда ҳам ушбу соҳанинг захматқашларидан. Мен ҳам мазкур академик лицейда бутун дунёга машҳур фортепиано ижрочиларини тарбиялаган Ева Мавсиян кўлида таълим олганман. Консерваторияда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, про-

фессор Офелия Юсупова синфида таълим олиб, улардан муסיқа сирларини ўргандим. Муסיқага бўлган меҳр менинг қонимда бор десам, ҳеч муболаға бўлмайди. Балки, дадам муסיқа соҳасининг вакили бўлмаганларида мен ҳам бошқа мактабининг улуг вакили бўлган Рахманинов асарлари ўрин олган. Чунки унинг асарлари шарқ мавзулари билан суғорилган. 1988-89 йилларда Рахманинов тугилиб ўсган ва ижод қилган Тамбов шаҳрида бўлиб ўтган халқаро олий ижрочилик маҳорати ўқув курсларида иштирок этганман ва шу билан бирга икки марта «Тасанно» мукофотига ҳам сазовор бўлдим. Келажакдаги орзуларим ҳам бисёр. Мумтоз муסיқа бўйича концертлар беришни режага киритиб қўйганман. Яна ўзимни замонавий муסיқа йўлида ҳам синиб кўрмоқчиман.

Захро опа билан суҳбатлашар эканмиз, унинг самимийлиги, ширинсўзлиги, ўз касбига, муסיқага бўлган меҳри баландлиги бизни мафтун қилди. Барча ниятларига етишларида омадлар тиладик.

Гулчеҳра ДОНИЁРОВА,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивларида қимматбаҳо ва ноёб архив ҳужжатларини сақлаш ва уларни рақамли форматга ўтказиш, урта марказий архивни бирлаштирадиган ягона ахборот тармоғини яратиш бўйича кенг қўламли ишлар бажарилмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивларида сақланаётган ҳужжатлар юксак маданий ва тарихий қимматга эга, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг ҳужжатлардан фойдаланиш ва уларни нашр этиш бўлими бошлиғи Шуҳрат Эрматов. — Улар билан ишлаш бевосита архив ходимларининг вазифасига киради. 2010 йилдан буён ходимларимиз томонидан замонавий сканерлар ёрдамида юз мингдан ортиқ кадрлардан нусха кўчирилди ва 70 минг ҳужжатнинг каталогини тузилди.

Таъкидлаш керакки, архивдан фойдаланувчилар ва унинг ходимларига қулай шарт-шароит яратиш, қимматбаҳо ва ноёб ҳужжатларнинг сақланиш мuddатини узайтириш мақсадида ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш бўлими ҳузурида уларнинг электрон нусхаларини яратиш сектори ташкил қилинди. Ушбу нусхалар «Koika» компаниясининг янги IBM серверларида электрон шаклда сақланмоқда. Яқин вақт ичида бу бўлимда мамлакатимиздаги барча марказий архивларни бирлаштирадиган ахборот тармоғи ташкил этилади.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда архив ишини такомиллаштириш, архивларни техник модернизация қилиш, соҳа ходимларининг билим ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада архив ҳужжатларининг библиографик ахборот базасини яратиш ҳамда қимматбаҳо ва ноёб материалларни рақамли форматга ўтказиш каби энг илғор усуллардан фойдаланилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 21 августда қабул қилинган «Корея Республикаси

БАРЧА МАРКАЗИЙ АРХИВЛАР ЯГОНА ТАРМОҚДА БИРЛАШАДИ


ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чоратадбирлари тўғрисида» Қарори бўйича амалга оширилаётган ишлар самараси бўлиб айни ҳолда қисқа вақт ичида сезиларли натижаларга эришилди.

Мамлакатимизда ягона ва Марказий Осиёдаги йирик Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар давлат архивлари ҳам шундай ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу архив Ўзбекистонда ҳужжатлар билан ишлаш бўйича илмий-услубий бўлими ҳузурида уларнинг электрон нусхаларини яратиш сектори ташкил қилинди. Ушбу нусхалар «Koika» компаниясининг янги IBM серверларида электрон шаклда сақланмоқда. Яқин вақт ичида бу бўлимда мамлакатимиздаги барча марказий архивларни бирлаштирадиган ахборот тармоғи ташкил этилади.

тишича, бир пайтнинг ўзида эскириб кетган ҳужжатларни қайта тиклаш ва нусхаларини сақлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда архивда турли ахборот манбаларини рақамли форматга ўтказадиган замонавий ускуналар мавжуд.

Тарихий ҳужжатлардан фойдаланишни энгиллаштириш мақсадида марказий архивларда электрон кутубхоналар ташкил этилмоқда, бу ерда электрон ҳужжатларни кўздан кечириш ва улар билан ишлаш учун махсус компьютерлар ўрнатилди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА муҳбири



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИҚОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Бир кун Амир Темурга отаси бир сурув қўйни бериб, Самарқанд бозоридан пуллаб келишини топширади. У қўйларни минг тангага сотгач, бозор айланади. Қўлида шеър ёзилган қоғоз тутганича, одамларга ниманидир тушунтираётган қаландарга дуч келади.

— Кимда-ким шу шеърни минг тангага олса, муродига етади, — дер эди у.

Темур иккиланиб ўтирмай, минг тангани беради-да, қоғозни олади.

— Буни отанг олдида ўқи! — тайинлайди у.

Қоғозни келтириб отасига беради. Бу машҳур шоир Камол Хўжандийнинг бир рубойиси бўлиб, мазмуни куйидагича экан: «Зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди. Жамшид, Сулаймон, Искандарлар ўтиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингми, яхшилик билан ном қолдир». Отам роса уришса керак деб минг бир шубҳа-гумон ўтида титраб турган Темур ногоҳ шундай сўзларни эшитди:

— Пулни кўп эзгу йўлда сарф этибсан, ўғлим, — дейди отаси. — Энди бу ҳикматга бир умр қаттиқ риоя этиш лозим.

Мирзо Улуғбек мулозимлари билан кетаётганида йўл ёқасида ётган бир бурда нонни кўриб қолади-да, дарров отдан тушиб, уни қўйнига солади. Мулозимлардан бири:

— Султоним, нега бизга буюрмай, ўзингиз отдан тушдингиз? — деб сўраганида шундай жавоб берибди:

— Нонни биринчи бўлиб мен кўрдим, шундай экан, уни ердан олишни бошқа бировга буюриш менинг нонга нисбатан ҳурматсизлигим бўлар эди. Ноннинг улуғлиги олдида менинг подшолигим нима бўлибди.

Феруз саройида мақом кечаси давом этар, қўйлаётган бир ҳофиз ақлу хушлар ҳокими эди. Муסיқа тугаган заҳоти хон «жаллод» дея ҳайқирди. Ҳамма лол эди. Қўшиқчи даррага тортилди.

Эртасига бунинг сирини сўраганларида, ёш ҳофиз кўшиқнинг қайси бир пардасидан чала урғу билан ўтганини тан олди.

Эргаш ОЧИЛОВ
тайёрлаган
(Давоми бор)



Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 25 октябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли модда-25 октябр кун ҳаво ўза-ларнинг бироз тарқалиб туради, ёлғинчилик кетишига имконият яракузатилмайди. Шарқдан селкунда 3-8 метр тезликда лослаши даражаси 1-3 шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9, кундузи 18-20 қилинмоқда, тасмиқдори даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳрида муҳитида зарарли модда-25 октябр кун ҳаво ўза-ларнинг бироз тарқалиб туради, ёлғинчилик кетишига имконият яракузатилмайди. Шарқдан селкунда 3-8 метр тезликда лослаши даражаси 1-3 шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9, кундузи 18-20 қилинмоқда, тасмиқдори даража иссиқ бўлади.

«Шарқ» нашриёт-матбоо акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбоо акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.25 1 2 3 4

Таълим

МАШҲУРЛАР ВА СПОРТ

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг «Машҳурлар ва спорт» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг етуқ спорт усталари, жумладан жаҳон чемпионлари ва талабалар иштирок этдилар.

— Ўқув муассасамиз спорт соҳаси мутахассисларини етказиб берадиган даргоҳ ҳисоблангани учун ҳам асосий эътиборни талабаларнинг кучли мутахассис бўлиб етишишига қаратамиз, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор Нодир Гафоров. — Давлатимиз томонидан спорт соҳасини янада ривожлантириш, ёш спортчиларга барча шарт-шароитларни яратиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Натижа эса жуда яхши

— ёшларимиз спортнинг кўпгина турлари бўйича нуфузли халқаро мусобақаларда голибликни қўлга киритиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Бу эса истиқлолимиз берган имкониятларнинг мевасидир. — Давра суҳбатида спорт усталари билан биргаликда кураш, футбол, баскетбол, волейбол, теннис бўйича чемпион бўлган ёшлар ҳам сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ТИЛ ГЎЗАЛЛИГИ ДИЛДАДИР

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг бўлиб ўтган маънавий-маърифий, бадий кеча «Тил гўзаллиги дилдадир» деб номланди. Тадбирда шоир ва ёзувчилар, олимлар ва профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

лимининг бой эканлигини исботлайди. Она тилимиз гуруримиз, ифтихоримиздир. Уни асраб-авайлаш, гард тек-

кисмай софлигимиз талаффуз қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Талабалар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, куй ва кўшиқларга йўғрилган дилрабо наволар, дилбар рақслар барчага манзур бўлди. — Тил — миллат кўзгуси, деган машҳур ибора бежиз айтилмаган, — дейди институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Абдухалил Маврулов. — Ўзбек тилининг раволиги, соддалиги ва нихоятда гўзаллиги алоҳида ажралиб туради. Шу билан бирга антоним ва синоним сўзларнинг ранг-баранглиги, кўплиги ва турли маъноларни кашф этиши ҳам ти-

ди. Ушбу турнирда биринчи, иккинчи ўринни эгаллаган терма жамоалар Осиё чемпионати финалида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишади.

Биз кўп минг сонли мухлислар номидан Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига Тошкентда галаба билан қайтишларини тилаб қоламиз.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



Спорт

ЁШЛАРИМИЗ ЭРОНГА БОРИШАДИ

Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари 28 октябр кун Эрон пойтахти Техронга жўнаб кетишади.

Гап шундаки, Техронда футбол бўйича ёшлар ўртасида келгуси йили бўлиб ўтадиган Осиё чемпионати саралаш турнирининг «С» гуруҳи баҳслари уюштирилади. Маълумки, Аҳмаджон Мусаев шогирдлари ушбу гуруҳда Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва Туркменистон ёшлар терма жамоаларига қарши голиблик учун кураш олиб бориша-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига ТИФ «Миллий банк»нинг қуйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

№	Аукционга қўйилган объект	Корхона жойлашган манзил	Сотува қўйилган улуш (%)	Закалат миқдори (%)	Бошлангич баҳоси (Сўм ёки АҚШ долларлари)*	
					Сўм	АҚШ долларлари
1	«REGISTON PLAZA» МЧЖдаги улуш	Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 53-уй.	100 %	2 %	40 238 626 300	24 627 349,47
2	«XORAZM PALASE» МЧЖдаги улуш	Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчаси, 2-уй	100 %	2 %	26 601 477 200	16 280 970,19
3	«ANGREN KAOLIN» МЧЖдаги улуш	Ангрен шаҳри, Тошкент кўчаси, 1-уй.	100 %	3 %	10 068 787 254,24	6 214 533,55

Аукцион савдоси 2011 йил 24 ноябрь кун соат 11:00да бўлиб ўтади. Юқоридаги улушлар 2011 йил 24 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда тақрибий аукцион савдолари 2011 йилнинг 28, 30 ноябрь ва 2 декабрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

*) Бошлангич баҳоси миллий валюта сўм, ёки норезидентлар учун баҳолаш амалга оширилган санадаги Ўз.Р МБ курси бўйича АҚШ долларлари, ёхуд ушбу қийматнинг резидент ва норезидентлар учун тўлов амалга ошириладиган кундаги ТИФ «Миллий банк»нинг биржадан ташқари курси эквивалентига тенг.

Тўловларни амалга ошириш тартиби: Аукцион голиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмининг эса олди-сотида шартномасига асосан лекин мuddати 1 йилдан оширилмаган ҳолда сотувчининг ҳисоб рақамига тўланиши шарт.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар

Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2579 нусха босилади.
Қўроғи бичими А-2